“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда
коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида 2022 йил учун
ҲИСОБОТ

Ташкилот номи:	**“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ)**
Ҳисоботни тайёрлаган ходим (Коррупцияга қарши курашиш учун маъсуллар):	Умурзаков Ойбек Эргашевич, Юридик хизмат бош юрисконсульти, Коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим
Ҳисобот даври:	2022 йил
Ҳисобот тайёрланган сана:	17-01-2023 йил

Т/р	Тадбир	Натижалар
I. Сиёсатлар ва процедуралар		
1.	Ички ҳужжатларни мослаштириш	ЎзРВБнинг 2022 йил 3 февралдаги 7-сонли буйруғи билан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди: 1) ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати; 2) ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти; 3) ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом; 4) ЎзРВБнинг алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти; 5) ЎзРВБ ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома; 6) ЎзРВБда контрагентларни текширишга оид йўриқнома; 7) ЎзРВБга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома; 8) ЎзРВБда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти; 9) ЎзРВБда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;

		10) ЎзРВБ ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент.
2.	Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	ЎзРВБ Бош директорининг 2022 йил 16 майдаги 56 - сонли буйруғи билан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди: 1) ЎзРВБ ходимларининг одоб-ахлоқ ва корпоратив этикаси кодекси; 2) ЎзРВБнинг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида низом.
II. Шахсий намуна		
3.	ЎзРВБ Бош директори ва унинг ўринбосарининг ички тадбирлардаги чиқишлари (нутқи).	ЎзРВБ Бош директори ва унинг ўринбосари томонидан таркибий бўлинмалар бошлиқлари ва ходимлар иштирокида бўлиб ўтадиган йиғилишларда коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга амал қилиниши ҳамда коррупцияни ҳар қандай кўриниши бўлишидан қатъий назар чоралар кўрилиши маълум қилиб келинмоқда.
4.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (ЎзРВБ Бош директори ва унинг ўринбосари номидан).	ЎзРВБда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари: электрон почта орқали (info@uzrvb.uz); телефон рақам орқали (+998 55 501-33-02); телеграм бот (@UZRVB_BOT); расмий веб-сайти (www.uzrvb.uz); ЎзРВБнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналлари.
5.	ЎзРВБ Бош директори ва унинг ўринбосарининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари.	ЎзРВБ Бош директорининг коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган тадбирларда ходимларни фаол иштирок этишлари юзасидан мурожаатномаси ЎзРВБ расмий веб-сайтида эълон қилинди.
III. Хавф-хатарларни баҳолаш		
6.	ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш	ЎзРВБнинг 2022 йил 3 февралдаги 7-сонли буйруғи билан ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти тасдиқланди. Мазкур услубиёт билан ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш дастури, ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, ЎзРВБда коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати тасдиқланди.
7.	Ҳисобот даври учун ЎзРВБда иш жараёнда янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юқори, ўрта, паст).	ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, ЎзРВБда коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати илова қилинади.

		Бунга асосан ЎзРВБда 9 та тузилмани коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражаси аниқланди. Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар ўрта 5 та, паст 1 та аниқланди. (илова қилинади)
8.	Ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар	ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш дастури тасдиқланди. Мазкур дастурда белгиланган чора-тадбирларни ижросини таъминлаш бўйича коррупциявий хавф-хатари мавжуд таркибий бўлинмаларга кўрсатмалар берилди.
9.	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдиқ таваккал юқори бўлган коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмас.
10.	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	ўрта 20 фоиз, паст 80 фоиз.
IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар		
11.	ЎзРВБда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар	ЎзРВБда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмади.
12.	Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш.	ЎзРВБнинг 2022 йил 3 февралдаги 7-сонли буйруғи билан ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом қабул қилинди ва 2022 йил 1 апрелдан бошлаб ЎзРВБ фаолиятида жорий этилиши белгиланди. Мазкур низомга мувофиқ ЎзРВБ ходимлари ҳар йили 15 февралгача манфаатлар тўқнашувини декларация қилиши белгиланган.
13.	Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.	2022 йил давомида ЎзРВБга ишга қабул қилинган ходимлар сони 11 та ва ЎзРВБдаги лавозимга номзодлар текшируви сони 11 та.
14.	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони	34 та
15.	Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар	2022 йил 10 ноябрда юридик фанлари доктори, профессор Баратов Миродилжон Хомиджонович иштирокида “Коррупциясиз тараққиёт сари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. https://www.uzrvb.uz/uz/category/provodimye-meropriatia
V. Таълим ва коммуникация		
16.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш: барча ходимлар учун; коррупциявий таваккалчиликка энг кўпроқ мойлилик эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун.	ЎзРВБ ходимларига семинар, маъруза ва слайд шаклида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. https://www.uzrvb.uz/uz/category/provodimye-meropriatia

17.	ЎзРВБга яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш.	ЎзРВБга ишга олинган ходимлар учун ЎзРВБ ходимларига қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини етказиш мақсадида мазкур ҳужжатлар ЎзРВБнинг телеграм канали ва “IdeaBox” (\\100.1.0.130\ideabox)га жойлаштириб келинмоқда. ЎзРВБга ишга кираётган ходимлар “ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати” ва “ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом” билан таништирилди.
18.	Ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар	ЎзРВБнинг 2022 йил 3 февралдаги 7-сонли буйруғи билан ЎзРВБда коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш мақсадида 10 та ҳужжат қабул қилинди. ЎзРВБ ходимларига мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш учун техник-ўқув курслари ташкил этилди. Шунингдек, ЎзРВБ ходимларининг одоб-ахлоқ ва корпоратив этикаси кодекси ва Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомига тегишли ўзгартиришлар киритилиб янги таҳрирда тасдиқланди.
19.	Коррупцияга қарши кураш учун маъсуллар томонидан бажарилган коррупцияга қарши кураш меъёрлари мавзусида ахборот- тарқатма материаллари.	Коррупцияга қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари мавзусида, Коррупцияга қарши курашиш тизими халқаро стандартларига мувофиқ жорий этиш мавзусида слайдлар тайёрланиб ЎзРВБ расмий веб-сайтига ва телеграмм каналига жойлаштирилди. (https://www.uzrvb.uz/uz/category/provodimye-meropriatia)
20.	Ходимларнининг аҳлоқ-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга қарши кураш тизими ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг талаблари хақида хабардор қилишнинг бошқа усуллари.	ЎзРВБ ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ЎзРВБнинг телеграм канали ва “IdeaBox” (\\100.1.0.130\ideabox)дан фойдаланиб келинмоқда.
21.	Фуқаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказиш	ЎзРВБнинг биржа савдоларини ўтказиш билан боғлиқ барча шартномаларга ҳамда ЎзРВБ контрагентлари, ҳамкорлари билан тузилган ва тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши қўшимча шартлар киритилди. 1. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР 1.1. Ушбу Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, афилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари ҳаракатларга таъсир қилиши ёки ушбу шахсларнинг ҳар қандай номақбул имтиёзлар ёки бошқа имтиёзларни олиш учун тўловларни

		тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир пул маблағлари ёки қийматларни тўлашга йўл қўймайдилар. 1.2. Ушбу Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, афилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари амалда қонунчиликда пора бериш-олиш, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва халқаро хуқуқ талабларини бузадиган ҳаракларни амалга оширмайдилар, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар қилмайди. 1.3. Ушбу Шартнома Томонларнинг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришни рад этади, жумладан пул маблағлари, совғалар, бепул ишларни (хизматларни) бажариш ва бошқалар тақиқланади. Шу билан бирга, ходимни маълум бир қарамликка олиб келиши ва бунинг бажарилишини таъминлаш, ходим рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши таъқиқланади. 1.4. Агар бирон-бир Томон коррупцияга қарши кураш шартларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб билса, тегишли томон бошқа томонни ёзма ёки оғзаки, шу жумладан, ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади. 1.5. Томонлар ушбу Шартномани тузишда, Шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, Шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар. 1.6. Томонлар Шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.
VI. Коррупциявий хатти-харакалар ва қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари		
22.	Хатти-харакатлар, шу жумладан, потенциал хатти-харакатлар учун алоқа каналларига келиб тушган хабарлар сони	ЎзРВБда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган мурожаатларни ўрганиб чиқиш йўлга қўйилган. Бугунги кунга қадар коррупцияга оид ҳаракатлар юзасидан хабарлар келиб тушмаган.
23.	Хизмат текшируви ўтказилган; Коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақолалар кесимида) аниқланган;	2022 йил давомида хизмат текшируви ўтказилмаган. Мавжуд эмас.

	Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган (шу жумладан, ички ҳужжатлар кесимида); Айбдорлар аниқланган ҳолатлар сони.	Мавжуд эмас. Аниқланмаган
24.	Қабул қилинган таъсир чоралари.	Коррупциявий хатти-харакалар ва қоидабузарликлар аниқланмади.
VII. Мониторинг ва назорат		
25.	Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганлиги.	Давлат харидлари тартиб-таомиллари орқали ЎзРВБ эҳтиёжи учун товар, иш ва хизматларни харид қилишда ҳамкорлар (контрагентлар)ни мажбурий текшириш тартиби “ЎзРВБда контрагентларни текширишга оид йўриқнома”га асосан амалга оширилмоқда.
26.	Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланганми ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари.	2022 йил давомида белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари бузилиш ҳолатлари аниқланмади ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари ҳам мавжуд эмас.

Хулосалар:

ЎзРВБда Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш учун зарур бўлган ички ҳужжатлар ЎзРВБнинг 2022 йил 3 февралдаги 7-сонли буйруғи билан тасдиқланди ва 2022 йил 1 апрелдан бошлаб ЎзРВБ фаолиятида жорий этилди. Мазкур ҳужжатлар ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилди. ЎзРВБ ходимларига мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш учун техник-ўқув курслари ташкил этилди.

ЎзРВБга ишга кираётган ходимлар ҳам “ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати” ва “ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом” билан таништирилмоқда.

ЎзРВБда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи алоқа каналлари йўлга қўйилди.

ЎзРВБ эҳтиёжи учун товар, иш ва хизматларни харид қилишда ҳамкорлар (контрагентлар)ни мажбурий текшириш тартиби “ЎзРВБда контрагентларни текширишга оид йўриқнома”га асосан амалга оширилиши жорий этилди.

ЎзРВБ ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, шу жумладан, ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича тизимли равишда техник ўқув курслари ташкил этилди.